«Ўзгидромет» хизмати маркази билан ҳамкорлик шартномасини тузиш зарурати тўғрисида

ХУЛОСА

Навоий давлат кончилик ва технологиялар университетининг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш ҳамда илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ўзгидромет» хизмати маркази билан шартнома тузиш таклиф этилади. Шартнома муддати 1 йил ва «Ўзгидромет» хизмат қиймати 10 млн сўм.

Ушбу ҳамкорлик университет учун қуйидаги муҳим вазифаларни амалга ошириш имконини беради:

1. Халқаро рейтинглардаги иштирок: Университетнинг **UI GreenMetric World University Rankings** рейтинги учун зарур бўлган экологик ва метеорологик кўрсаткичларни (ҳаводаги чанг ва газлар таркиби, тупроқ ва сув таҳлиллари, ифлосланиш даражаси, шамол тезлиги, ҳарорат, намлик ва б.) расмий ва ишончли манбадан олиш. Бу, ўз навбатида, университетнинг рейтинг балларини аниқ шакллантиришга хизмат қилади.

2. Илмий-тадқиқот фаолияти: «Ўзгидромет» томонидан тақдим этиладиган маълумотлар университетимиз олимлари, докторантлари ва талабалари учун атроф-муҳит ҳолати, иқлим ўзгаришлари ва экологик муаммолар бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқотлар учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу шартнома доирасида «Ўзгидромет» томонидан тақдим этиладиган қуйидаги таҳлилий маълумотларни мунтазам олиб туриш режалаштирилган:

- **Атмосфера ҳавоси:** чанг ва газлар миқдори, турлари, ифлосланиш даражаси;
- **Метеорологик кўрсаткичлар:** шамол тезлиги ва йўналиши, максимал ва минимал ҳарорат, атмосфера намлиги;
- **Экологик ҳолат:** тупроқ ва сув таркиби таҳлиллари, атмосфера ҳодисаларига оид маълумотлар.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, НДКТУнинг илмий ва халқаро фаолиятини ривожлантириш учун «Ўзгидромет» билан шартнома тузишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Халқаро алоқалар бўйича проректор **Ш.Алиқулов**

Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор **Т.Нурмуродов**

Ихтисослаштирилган гидрометеорологик иш (хизмат)ларни бажариш юзасидан 16-23/2025-сонли шартнома

2025 йил «29» 07 Навоий шаҳри

Навоий вилоят Гидрометеорология маркази (кейинги ўринларда "Ижрочи" деб юритилади) Гидрометеорология хизмати агентлигининг 12.04.2021 йилдаги 131-Т сонли буйруғи асосида фаолият кўрсатувчи **Маркази бошлиғи Б.Н.Мирзаев** бир томондан ва **"Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети"** (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) устав асосида фаолият кўрсатувчи **ректори Б.Т.Мардонов**, иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузидилар.

1. Шартнома предмети

1.1. Мазкур шартномага мувофиқ Ижрочи Буюртмачининг топшириғига асосан мазкур шартноманинг ажралмас қисмини ташкил этувчи ишларни бажариш календарь режаси асосида 1-иловага мувофиқ мазмуни, ҳажми ва муддати бўйича табиий муҳит параметрларининг ўзгариши тўғрисидаги ихтисослаштирилган маълумотларни, илмий-техник ва тезкор-прогностик маълумотлар билан таъминлаш ва бошқа гидрометеорологик иш (хизмат)ларни бажаришни ўз зиммасига олади.

2. Шартнома суммаси ва ўзаро ҳисоб-китоб тартиби

2.1. Мазкур шартномага мувофиқ бажарилган ва етказиб берилган гидрометеорологик иш (хизмат)лар учун Буюртмачи Ижрочига 1-иловадаги шартнома баҳоси ҳақидаги баённома ҳамда 2-иловадаги хизмат нархлари ҳисобига мувофиқ пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

2.2. Буюртмачи ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 банк куни мобайнида Ижрочига шартнома умумий суммасининг 30 фоиз миқдорини олдиндан тўлаб беришга мажбур.

2.3. Буюртмачи қолган 70 фоиз миқдорини жорий йилнинг ҳар чорак якуни билан бажарилган ишлар далолатномасига асосан 10 банк куни ичида тўлаб бериши лозим.

2.4. Томонлар Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари билан белгиланадиган умумий нархлар индексининг ўзгариши (ҳаракати)га қараб тўловлар миқдорини ўзгаришини назарда тутадилар, шунингдек махсуслаштирилган гидрометеорологик иш (хизмат)лар таннархида ўзгаришлар бўлганда, қайта ҳисоблаш учун Ижрочининг тегишли хати асос бўлади. Бундай ҳолда, нархлардаги ўзгаришлар ушбу шартномага қўшимча келишув билан амалга оширилади.

3. Томонларнинг мажбуриятлари

3.1. Ижрочининг мажбуриятлари:

3.1.1. Қонун хужжатларига мувофиқ ушбу шартнома мажбуриятларини ўз муддатида бажарилишини таъминлаш;

3.1.2. Бажарилган иш (хизмат)лар лозим даражада бажарилишини таъминлаш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.2.1. Шартномага асосан бажарилган иш (хизмат)ларни қабул қилиб олиш;

3.2.2. Бажарилган иш (хизмат)лар учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш.

3.3. Мазкур шартнома бўйича бир тараф иккинчи тарафдан шартнома шартларини шартномага мувофиқ ва лозим даражада бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4. Томонларнинг жавобгарлиги

4.1. Шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолатларда томонлар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар. Иш (хизмат)лар бажарилмаган, лозим даражада бажарилмаган, шартномада кўрсатилган муддатлар кечиктирилганда, Ижрочи Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий

суммаси ихтисослаштирилган гидрометеорологик иш (хизмат)лар нархининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

4.2. Тўловни кечиктирганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,4 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

4.3. Ушбу шартнома асосида олинган гидрометеорологик маълумотларни қайта сотиш ёки тарқатишга йўл қўйилмайди.

4.4. Томонлар банк реквизитлари ўзгариши тўғрисида 5 банк куни ичида хабар беришлари шарт.

4.5. Агар шартноманинг амал қилиш муддати давомида 2 иловадаги "Хизмат нархлари ҳисоби"ни ўзгартириш зарурияти туғилса ёки шартноманинг кейинги амал қилиши мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобланса, томонлар бу ҳақда 10 банк куни мобайнида ёзма равишда хабар беришлари шарт.

5. Коррупцияга қарши курашиш шартлари

5.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда манфаатдор шахслар, тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар, пул тўламайдилар, тўловни амалга ошириш бўйича кўмаклашмайдилар. Ҳар қандай шахсларга ноқонуний афзалликлар ёки бошқа ноқонуний мақсадларни қўлга киритиш қўлга киритиш учун уларнинг ҳаракатларига ёки қарорларига таъсир қилиш учун бевосита ёхуд билвосита кўмаклашмайдилар.

5.2. Шартнома мақсадлари учун амал қиладиган қонун ҳужжатларига мувофиқ масалан, пора бериш, олиш, жиноятлардан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун талабларини бузишга йўл қўймаслиги кўрсатилган.

5.3. Агар шартноманинг бандларидаги қоидалар бузилганлиги ёхуд бузилиши мумкин деб гумон қилинганда, буюртмачи ёки бажарувчи томонидан шартнома талаблари бажарилмасдан тўхтатиб туришга ҳақлидир.(Шартнома тўхтатиб қўйилганлиги ҳақида 14 иш кунида ёзма хабар юборилиши лозим).

5.4. Шартноманинг ушбу банди талаби бир томонлама бузилган тақдирда иккинчи томондан қисман ёки тўлиқ бекор қилиш ҳуқуқига эга.
(Шартнома бекор қилинган тақдирда 14 иш кунида ёзма хабар юборилиши лозим).

5.5. Шартноманинг юқоридаги бандига биноан бекор қилинганлиги оқибатида юзага келган зарарни ундириш ҳуқуқига эга эканлиги белгилансин.

6. Коррупцияга қарши курашиш талаблари

6.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан,барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни татбиқ этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

6.2. "1-ТОМОН", "2-ТОМОН"га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни кафолатлайди ва қуйидаги мажбурятларни ҳам ўз зиммасига олади:

а) Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директори, агентлари ва бошқа вакиллар) истеъмолчи манфатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилади.

б) "2-ТОМОН"нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

7. Низоларни ҳал қилиш тартиби

7.1. Мазкур шартнома бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, тарафлар уларни судгача ҳал қилиш чораларини кўрадилар. Низоларни судгача кўриш тартибида ёзма талабномани бериш шакли, иккала тараф учун мажбурийдир.

7.2. Тарафлар ўртасида келиб чиққан низолар ўзаро ҳал қилинмаган тақдирда қонунчиликда ўрнатилган тартибда судда ҳал қилинади.

8. Форс-мажор

8.1. Шартнома қабул қилингандан сўнг, томонлар шартномани форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч, фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаган бўлсалар жавобгарликдан озод этиладилар.

9. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1. Шартнома муддати 2025 йил 31 декабр кадар.

9.2. Шартнома томонлар имзолаганидан сўнг (Бюджет ташкилотлари учун Ғазначилик бўлинмасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига мувофиқ, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб) қонуний кучга киради. Шартномани имзолаш санаси муқаддимада кўрсатилади.

9.3. Ушбу шартномага қуйидагилар илова килинади:

9.3.1. Шартнома баҳоси тўғрисидаги баённома 1-иловага мувофиқ;

9.3.2. Хизмат нархлари ҳисоби 2-иловага мувофик.

9.4. Ушбу шартнома ва унинг иловалари 2 нусхада тузилади ва бир хил юридик кучга эга.

10.Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари.

10.1. Томонларнинг манзиллари ва банкдаги ҳисобрақамлари:

«ИЖРОЧИ»:

Гидрометеорология хизмати агентлигининг;
Манзил: 100052,Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси,72 уй.
ш/х 400110860262667049990158001
СТИР: 201059022; ИФУТ: 84111;
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги х/р 23402000300100001010;
Тошкент ш.Марказий Банкнинг ХККМ МФО: 00014;
СТИР: 201122919 ҚҚС тўловчининг рўйхатга олинганлик коди: 326030036413.

«БУЮРТМАЧИ»:

“Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети”
Манзил: Навоий ш., Ғалаба шоҳ кўчаси
Тел: 97 796 67 07
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги х/р: 23402000300100001010;
х/р: 40091086012401709410020800 4
СТИР: 200006516; МФО: 00014

“Навоий вилоят Гидрометеорология маркази” бошлиғи

_____ **Б.Н.Мирзаев**
(имзо) М.Ў.

Ҳукукшунос: _____
(ФИШ ва имзо)

“Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети” ректори

_____ **Б.Т.Мардонов**
(имзо) М.Ў.

HUQUQSHUNOS-MASLAHATCH
Imzo
F.I.SH
“__” _____ 20__ y

2025 йил 29. 07 даги
16-23/2025-сон шартноманинг
1-иловаси

Шартнома баҳоси тўғрисидаги баённома

Биз, Ижрочи номидан имзоловчи: Навоий вилоят Гидрометеорология маркази бошлиғи Б.Н.Мирзаев ва Буюртмачи номидан имзоловчи: “Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети” ректори Б.Т.Мардонов, томонлар хизматлар нархининг киймати бўйича ўзаро келишувга эришганлигини тасдиклаймиз:

Шартноманинг умумий суммаси: 10 380 000 (ҚҚС сиз) сўм

Ўн миллион уч юз саксон минг сўмни ташкил қилади.
(суммаси сўз билан)

Томонлар тўловлар миқдори умумий нарх индексининг ўзгариши (ҳаракати)га қараб ўзгаришини назарда тутадилар.

Ушбу баённома Ижрочи ва Буюртмачи ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб ва тўловлар учун асос ҳисобланади.

«Ижрочи»

“Навоий вилоят Гидрометеорология маркази” бошлиғи

_____ **Б.Н.Мирзаев**
(имзо) М.Ў.

«Буюртмачи»

“Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети” ректори

_____ **Б.Т.Мардонов**
(имзо) М.Ў.

Шартнома тўғрисида маълумот олиш учун:

«Ижрочи»

Ж.Ш.Шарапов

тел: 91) 336 76 86

_____
(имзо)

«Буюртмачи»

_____
(ФИО)

тел:_____

_____
(имзо)

2025 йил 29.07 даги
16-23/2025-сон шартноманинг
2-иловаси

ХИЗМАТ НАРХЛАРИ ҲИСОБИ

Т/Р	Восита тури	Ўлчов бирлиги	миқдори	1 восита нархи	Қиймати (сўм)
1	Максимал ҳаво ҳарорати	**дона**	10	67 500	675 000
2	Минимал ҳаво ҳарорати	**дона**	10	67 500	675 000
3	Яхмалак кузатувлари (Гололёд)	**дона**	6	60 000	360 000
4	Максимал шамол тезлиги	**дона**	10	67 500	675 000
5	Ҳавонинг нисбий намлиги	**дона**	10	63 750	637 500
6	Атмосфера ёғинлари	**дона**	6	33 750	202 500
7	Ноқулай об-ҳаво шароитида ифлосланиш даражаси ошганлиги тўғрисида шторм огоҳлантиришлар;	**дона**	6	311 250	1 867 500
8	Хавфли Гидрометеорологик жараёнлар тўғрисида шторм огоҳлантиришлар;	**дона**	6	881 250	5 287 500
	Жами:		-		**10 380 000**

«Ижрочи»

“Навоий вилоят
Гидрометеорология маркази”
бошлиғи

_____ **Б.Н.Мирзаев**
(имзо) М.Ў

тел.: 78 770-32-02

«Буюртмачи»

“Навоий давлат кончилик ва
технологиялар университети”
ректори

_____ **Б.Т.Мардонов**
(имзо) М.Ў